ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ

МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА ПРОГНОЗЛАШТИРИШ КАФЕДРАСИ

# “ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙ МУЛКЧИЛИК ВА ОИЛА ТАДБИРКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ”

**мавзусидаги Республика онлайн илмий-амалий анжумани**

## ИЛМИЙ МАҚОЛА ВА ТЕЗИСЛАР ТЎПЛАМИ

**2020 йил 12 октябрь**

**ТОШКЕНТ-2020**

**Ўзбекистонда хусусий мулкчилик ва оила тадбиркорлигини ривожлантириш истиқболлари.** Республика илмий-амалий анжумани илмий мақолалар тўплами (2020 йил 12 октябрь). – Т.: ТДИУ, 2020. 470 б.

**Масъул муҳаррир:** иқтисод фанлари доктори, профессор Эшов М.П.

**Таҳрир ҳайъати:**

иқтисод фанлари доктори, профессор Беркинов Б.Б.
иқтисод фанлари доктори, профессор Махмудов Н.М.
иқтисод фанлари номзоди, доцент Асқарова М.Т.
иқтисод фанлари номзоди, доцент Қосимов М.С.
иқтисод фанлари номзоди, доцент Якубов И.О.
иқтисод фанлари номзоди, доцент Ахмедиева А.Т.
иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Захидов Ғ.Э.

Илмий мақолалар тўплами Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг 2020 йил ___ сентябрдаги №3-сонли баёни билан нашрга тавсия этилган.

Тўпламга киритилган мақолаларнинг мазмуни, ундаги статистик маълумотлар ва меъёрий ҳужжатлар санасининг тўғрилигига ҳамда келтирилган танқиқдий фикр-мулоҳазаларга муаллифларнинг ўзлари масъул.

is advisable to develop industries that require mainly labor resources. These include agriculture, food and light industry, as well as high-tech industries such as assembly, assembly, computer manufacturing, office equipment, some types of industrial electrical equipment and electrical engineering.

Development of the service sector. Small business development in the service sector, in particular in communications and information, consumer services, banking and business services (consulting, auditing, leasing, insurance, etc.); services for entrepreneurs in agricultural production, including preparation and storage of products, maintenance of agricultural machinery, sales of animal feed, fertilizer and plant protection services, veterinary services special attention should be paid. One of the measures to develop services in rural areas could be to improve the statistical database (registers) of these service providers. There is also an opportunity to adopt an ecotourism development program involving local low-income families based on the world's best practices.

Agricultural policy. There is a huge potential for deep processing of agricultural crops and their export to the markets of developed countries. This will increase agricultural productivity, increase incomes and improve the living conditions of the rural population.

Regional policy. Each region has its own poverty profile, which requires specific measures to be studied. For example, the program of measures for the Republic of Karakalpakstan (a region with high levels of poverty) should be developed taking into account low-income indicators. At the same time, low economic development of the region, which is a risk factor for Karakalpakstan, the high share of the population under 16 years, the relatively high unemployment rate, income instability, etc., can increase the effectiveness of measures.

Significant efforts need to be made in other areas as well. These include job creation and business support, rural and agricultural development, rural infrastructure improvement, health care, vocational training and education, and economic migration. The positive changes that have taken place in these areas in recent years are an important part of our country's long-term poverty reduction program.

Махмудов Самариддин Бахриддинович
ТДИУ, “Корпоратив бошқарув”
кафедраси ассистенти
(https://orcid.org/0000-0001-8604-6664)

## ЎЗБЕКСИТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТИГА COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ТАЪСИРИНИ ЮМШАТИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Ҳозирги кунда жаҳоннинг 180 дан ортиқ мамлакатлари иқтисодиётига зарар кўрсатаётган коронавирус инфекциясига қарши курашиш ва бошқа глобал хавф-хатарлар даврида макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, аҳолини самарали ижтимоий қўллаб-

қувватлаш, мамлакатлар аҳолиси даромадлари кескин пасайиб кетишини олдини олиш мақсадида чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19 март 2020 йилда имзоланган “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг навбатдаги чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5969-сон ва 3 апрель санасида имзоланган “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5978-сон Фармонлари ўз вақтида ва оқилона чиқарилган қарорлар маҳсули бўлиб, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини инқироздан минимал зарар билан ўтиб олишлари учун қўллаб-қувватловчи чора ва тадбирлар кўзда тутилган.

«COVID-19»нинг таъсирини юмшатиш борасида олиб борилаётгн ишлар доирасида кўплаб корхоналар учун кредит, ижара, мулкий солиқ тўловлари бўйича карантин даврига таътил эълон қилинди. Бу янги қарзларни ҳосил қилиб, уларнинг муддатларини кечиктириш эмас, балки айнан фоиз ва ижара ҳисоблари тўхтатилиши зарурлигини англатади. Булар билан бирга:

-фаолияти тўхтаб қолган корхоналар ходимларини ишдан бўшатмаслик шарти билан иш ҳақи фондини сақлаш учун давлат маблағларидан молиялаштириш;

-фаолият юритишга рухсати ва имконияти бўлган корхоналарни тиббий ҳимоя воситалари, дезинфекция моддалари ва экспресс-тестлар билан таъминлаш;

-пандемия шароитида фаолияти зарурий бўлган ташкилотлар ходимлари маошлари учун давлат фондидан қўшимча нафақа белгилаш;

-карантин шароитида ва истеъмолчиларнинг янги заруратларига қаратилган ва ахборот технологиялар соҳасида турли стартап ва тадбиркорлик ташаббусларини молиявий, маъмурий ва техник рағбатлантириш масалалари ҳам ҳал қилишга киришилган.

Шунингдек, карантин шароитида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатувчи тадбиркорлар ишлаши учун рухсат сўровларини тезкорлик билан кўриб чиқиш, бунда асосий эътибор ижтимоий муаммолар, озиқ-овқат, тиббий воситалар, зарурий кийим кечаклар), информацион технология ва алоқа воситалари каби маҳсулот ишлаб чиқариш ёки транспорт, тезкор етказиб бериш каби хизматларга қаратилган бизнес бўлиши; экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қаратилган бўлиши керак.

Пандемия туфайли тўхтаб қолган бизнесларни янги йўналишларга мослашишга кўмак бериш ҳозирги куннинг энг долзарб мавзуларидан биридир. Буларга:

-меҳмонхоналарни хавфсизлик, эпидемиологик ходимлар ва волонтёрлар учун ҳордиқ чиқариш масканлари ёки шифохоналардан янги чиққан ёки тиббий кузатувда бўлган беморлар учун муваққат маскан қилиб ўзгартириш;

-меҳмонхона хизматлари ва имкониятлари учун меҳмонхона эгаларига меъёрли қийматда давлат ҳисобидан ҳақ тўлаш;

-қишлоқ хўжалик саноати, тиббий воситалар ишлаб чиқарувчилар, транспорт ва логистика хизматлари давлат миқёсида устувор тармоқлар деб қабул қилиниб, уларга турли фискал ва маъмурий рағбатлантириш пакетларини ишлаб чиқиш, уларни санитария хавфсизлик воситалари билан таъминлаш;

-бож тўловларини устувор ва ижтимоий ишлаб чиқаришни жонлантирувчи соҳалардан озод қилиш ва божхона расмиятчилик ишларини енгиллаштириш.

**Мамлакатимизда ҳозирги вазиятда инқирозга қарши чоралар учун маблағ манбасини белгилаш энг қийин масалалардан биридир. Фикримизча, мазкур масалани ечишда қуйидагиларни тавсия қилиш мумкин:**

-давлат валюта захираларининг маълум қисмини эҳтиёткорлик билан инқирозга қарши чораларни молиялаштириш учун сарфланадиган манбалардан бири, деб кўрилиши;

-қабул қилинган давлат бюджетининг даромад қисми тезда қайта кўриб чиқилиши керак, чунки пандемия 2020 йил бюджет даромадини кескин тушиб кетиши холатига олиб келиши мумкин, чунки карантин сабабли истеъмол камаяди ва у ўз навбатида эгри (истеъмол) солиқларини камайишига олиб келади, шунигдек, жаҳон бозорида газ нархи ва унга талаб кескин тушиб кетгани сабабли экспорт тушумлари ва ундан олинадиган солиқларнинг камайишига олиб келади ҳамда корхоналар соф зарарга кириб қолишади, демак фойда солиғидан тушум озаяди.

Шунингдек, Ўзбекистонда хорижий инвесторларни жалб этиш учун қуйидаги шартшароитлар мавжуд: – сиёсий барқарорлик; – хусусий мулк ва рақобатни ҳимоялайдиган қонунчилик базасининг шакллангани; – инвестиция жараёнини қўллаб-қувватлайдиган инфратузилманинг барпо этилгани; – мамлакатнинг қулай географик жойлашуви; – агросаноат секторини ривожлантириш салоҳиятининг юқорилиги ва мамлакатнинг минерал-хомашё ресурсларига бойлиги; – юқори малакага эга меҳнат ресурсларининг мавжудлиги; – савдо учун ички бозор ҳажмининг етарли даражада кенглиги[17]. Албатта, маҳаллий ва республика бюджетлари мутлақо тушумсиз қолади, деб ҳисоблаш тўғри эмас. Истеъмол, ишлаб чиқариш ва экспорт фаолиятлари камайса-да, улар тўхтаб қолмайди ва улардан маълум солиқ тушумлари келиб туради.

Ўзбекистон Республикаисда короновирус «COVID-19» пандемиясининг тарқалиши сабабли хатарларни оптимал бошқариш кичик бизнес субъектларинг тадбиркорлик фаолияти учун муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда эпидемия келтираётган иқтисодий хатарларга қарши тайёргарлик кўриш бўйича айниқса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз ички имкониятларидан қуйидагича амалга оширишлари тавсия этилади:

---

[17] Makhmudov SB. Ways of the Investment Environment Effect in Financing Investment Activities Development. Indo - Asian Journal of Multidisciplinary Research,2020

-кичик корхоналар иқтисодий инқирознинг оқибатларига қарши тайёрлигини қайта кўриб чиқиши, молиявий ва операцион тахлилий тестлар ўтказиши, бошқарувни қайтадан кўриб чиқиши, қарор қабул қилиш жараёнларини тўғри баҳолаши керак, бу эса улардан мослашувчанликка эга бўлишини талаб қилади;

- зарур ваколатларга эга тезкор гуруҳ фаолият кўрсатиши зарур, улар юқори ва қуйи даражада қарор қабул қилиш имкониятига эга бўлиши лозим, бу эса муҳимдир;

-режалаштирилган қарорларни вазиятдан келиб чиққан холда ўзгартириш имкониятининг мавжуд бўлиши;

-мамлакатда ва хорижда иқтисодий инқирозлар, энг юқори ва пастки даражалари бўйича кунлик маълумотларни диққат билан кузатиш ва таҳлил қилиб бориш керак, бу ўз навбатида корхонанинг  риск даражасини мунтазам мониторинг қилиш имконини беради;

-корхонада иқтисодий хатарларга оптимал ечим топиш учун олдинги инқирозлардан ўтишдаги тажрибалардан фойдаланиш;

-корхона фаолиятида  инқирозни оптимал бошқариш учун аниқ тахминлар мавжуд эмас, шу сабабли ҳам тахминий ривожланишни ва у қачон содир бўлишини олдиндан аниқ айтишнинг имкони йўқ, демак корхона фаолиятини инсорсингдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Давлат ва хусусий ташкилотларнинг ташқи молиявий

Бутун жаҳон глобал иқтисодий инқирозга кириб бораётган вақтда номаълумлик даражаси юқори бўлади ва кўпгина маблағ қайтиши прогнозлари нореал бўлади. Ундан ташқари, халқаро кредитлар валюта хатарларига тўла бўлади, яъни иқтисодий қийинчиликка дучор бўлган давлатда ички валюта хорижий валютага нисбатан қадрсизланиб боради, давлатнинг даромадлари эса асосан миллий валютада шаклланади, демак қайтарилаётган кредит нафақат фоиз билан, балки валюта курси фарқи билан оғирлашади.

**Фойдаланилган адабиётлар.**

1. “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг навбатдаги чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони №5659-сонли 03.04.2020 й

2. “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги  Президент фармони. № 5978-сонли 03.04.2020

3. Makhmudov SB 2020. Ways of the Investment Environment Effect in Financing Investment Activities Development. Indo - Asian Journal of Multidisciplinary Research, 6(3): 2045 – 2053. DOI: 10.22192/iajmr.2020.6.3.2

4. UB Nasilloevich –(2016) Austrian Journal of Humanities and Social Sciences, Corporate approach of personnel management: theory and analysis

5. Khujamurodov AJ (2019) Economic Essential of Stock Infrastructure and Features of Its Development. Asian Journal of Technology & Management Research (AJTMR) ISSN: 2249 –0892 Special Issue–2, Sep -2019.

6. Мелкумов Я.С. Инвестиций: Учебное пособие. М.: ИНФРА-М, 2003

## МУНДАРИЖА

## 1 - ШЎЪБА: ПАНДЕМИЯ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙ МУЛКЧИЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ-ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ


**Кириш**........................................................................................ 3

**Касимов М.С.** Наманган вилоятида уруғчилик кластерини шакллантиришни институционал асослари ва модели.......................... 4

**Ҳакимов Н. Ҳ.** Коронавирус пандемияси шароитида инсон экологик хавфсизлигини таъминлаш омиллари.................................... 9

**Kholikova R.S.** Economic and legal consequences of the global pandemic to the business entities of cluster complex of Uzbekistan........................... 14

**Khamidova Z.A.** Specific ways of further state support of handicrafts in the conditions of pandemic COVID-19.................................................... 17

**Абдулазизова Ў.Н.** Влияние пандемии на реальный и финансовый сектора экономики Узбекистана........................................................... 20

**Салимов Ш.Б.** Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда имитацион инновациялардан фойдаланиш........................................... 23

**Баймурадов Ш.М.** Пандемия қоидаларини ҳисобга олган ҳолда уй хўжаликларини электрон савдоларда иштирок этиш имкониятлари...................................................................................... 26

**Толипова Б.Ф.** Пандемия даврида ўзбекистонда озиқ-овқат саноатини қўллаб-қувватлашнинг механизмларини жорий этиш........................................................................................... 28

**Сайфуллаев С.Н.** Пандемия шароитида оилавий тадбиркорликни молиявий қўллаб-кувватлашни статистик ўрганиш.............................. 32

**Rakhimova M.** Challenges of poverty in Uzbekistan in pandemic situation and strategies to reduce........................................................ 35

**Махмудов С.Б.** Ўзбекситон республикаси иқтисодиётига covid-19 пандемияси таъсирини юмшатиш имкониятлари................................. 37


## 2- ШЎЪБА: ИЖТИМОИЙ ТАДБИРКОРЛИК СОҲАСИДА ДАВЛАТ ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ


**Салимов Б.Т., Ходжибоева И.В.** Кичик саноат зоналарини кластерлаш асосида самарадорлигини ошириш.................................... 41

**Темиров А.А.** Кичик корхоналар фаолиятида молиявий стратегия ва уни ривожлантириш йўллари............................................................. 42

**Турсунов Б.О.** Кичик бизнес субъектлари молиявий хавфсизлигини таъминлашнинг асосий муаммолари…............................................. 48

**Ашуров З.А.** Возможности развития корпоративного управления в малых и семейных предприятиях......................................................... 54

**ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙ МУЛКЧИЛИК ВА ОИЛА ТАДБИРКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

илмий мақола ва тезислар тўплами

*Муҳаррирлар:*
Ваҳабова М.
Баҳриддинов В.

Босишга рухсат этилди 10.10.2020. Формат 60х84 $^{1}/8$.
Гарнитура Times. Офсет қоғози. Ризограф босма усули.
Шартли босма табоғи 28,2. Нашр босма табоғи 28,2.
Адади 10. Буюртма № 10/2020

Тошкент давлат иқтисодиёт университети босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳар. Чилонзор тумани, Ислом Каримов кўчаси 49 уй